

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ “ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ” КАФЕДРАСИНИНГ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Шомуродова Шахноза Ғайратовна
г.ф.ф.д (PhD)

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: Мақолада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Табиий география” кафедрасининг тарихи ва ҳозирги кундаги истиқболлари ҳақида баён қилинган. Шунингдек, табиий география кафедрасидаги илмий тадқиқотларнинг натижалари ва илмий мактабларнинг давомчилари ҳақида кенг ёритилган.

Калит сўзлар: илмий мактаблар, палеогеография, томонимика, экотуризм, ландшафтшунослик, геоэкология, монография.

**SCIENTIFIC RESEARCH AND PROSPECTS OF THE DEPARTMENT
OF PHYSICAL GEOGRAPHY OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF
UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGHBEK**

Shomurodova Shakhnoza

Abstract: The article describes the history and current prospects of the Department of Physical Geography of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulughbek. Also, the formation of scientific research at the Department of Natural Geography and the successors of scientific schools are widely covered.

Key words: scientific schools, paleogeography, direction, ecotourism, landscape, geoeology, monograph.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида бир қанча илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ваҳолангки, ҳар бир фаннинг ўзига хос ривожланиш тарихи ва илмий мактаблари мавжуд. Бугунги кундаги олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг негизида албатта қайсидир маънода илмий мактабларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Айниқса, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Табиий география” кафедраси ўзининг илмий мактабини ҳозиргача шакллантириб келмоқда.

Кафедра тарихига назар ташлайдиган бўлсак, “Табиий география” кафедрасига 1920 йилда асос солинган. Кафедра илмий фаолиятини шакллантириш борасида 1935 йилдан бошлаб Н.Л.Корженевский кафедра

мудир лавозимида фаолият олиб борган. Ўша даврда “Табиий география” кафедрасининг аъзолари Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларининг табиий географик ўрни ва геоморфологик тузилиши борасида илмий тадқиқотлар олиб борган. 1940 йилда геоморфология ва иқлимшунослик фанига ҳисса қўшган олимлардан Ю.А.Скворцов, Л.Н.Бабушкинлар томонидан “Тўртламчи давр геологияси ва геоморфологияси” номли илмий мактабга асос солинган. 1943 йилда кафедранинг аъзоси Н.Д.Долимов “Нурота тоғларининг комплекс табиий географик характеристикаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1950-1960 йилларда кафедра аъзоси Ҳ.Ҳ.Ҳасанов “География тарихи, топонимика ва терминология” мавзуси бўйича, шунингдек, “Ўрта осиёлик сайёҳатчиларнинг географик мероси”ни ўрганишга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борган ва ўзининг илмий мактабини шакллантирган.

Шунингдек, Р.У.Раҳимбеков “Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи” билан 1960 йилдан бошлаб шуғуллана бошлади ва К.Кашкаровнинг “Ўрта Осиё экология-география” илмий мактабини асослаб берди. 1970 йилларга қадар Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай “Комплекс табиий географик районлаштириш муаммолари”, Ю.А.Скворцов ва О.Ю.Пославская каби олимлар “Геоморфология ва тўртламчи давр геологияси”га оид тадқиқотларни олиб борган.

1990 йилнинг бошига қадар кафедрада илгаридан ривожланиб келган илмий йўналишлар билан бирга “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг географик асослари”, “География тарихи ва методологияси”, “Орол денгизи муаммолари” каби илмий тадқиқотлар А.А.Рафиқов томонидан олиб борилган.

Кафедрада мустақиллик йилларида ўрта авлод вакиллари А.А.Сағатов, М.Маматкулов, П.Н.Ғуломов, Ш.С.Зокиров, И.А.Ҳасанов, А.Зайнутдинов ва бошқалар илмий-амалий тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек, табиий география фанининг ривожланишига ҳисса қўшганлар ва бир қанча дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар нашрдан чиққан.

Кафедранинг яна бир олимларидан бири Ў.Қ.Абдуназаров Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган, жуда муҳим палеогеографик, стратиграфия ва муҳандислик геологияси нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган қадимги тупроқ қатламларини биринчи бор ҳар томонлама тизимли ўрганди. Устози И.Н.Степанов билан биргаликда “Ўрта Осиёда тарқалган лёссимон

тоғ жинсларининг таркибидаги кўмилиб кетган қадимги тупроқларнинг палеогеография ва стратиграфияси” аҳамиятини илмий асослаб берди.

Н.И.Сабитова “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тупроқлар унумдорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” ва “Табиий комплексларнинг мелiorатив ҳолатини ўрганиш, сув ресурсларидан фойдаланиш” каби илмий тадқиқотлар олиб борган.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ “Табиий география” кафедраси таркибига ёш мутахассислар, янги авлод вакиллари, яъни мустақиллик даврининг профессор-ўқитувчилари З.С.Саидкаримова, М.Т.Миракмалов, кейинчалик Ш.М.Шарипов, Н.Т.Шамуратова, Ҳ.Б.Никадамбаева, Р.А.Ибрагимова ва Б.Ю.Эгамовларнинг илмий фаолиятини айтиб ўтиш лозим.

З.С.Саидкаримова “Фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнида ландшафтлар ўзгаришини баҳолаш ва башорат қилиш”, Ҳ.Б.Никадамбаева “География таълими методикаси, инновацион таълим методлари”, Н.Т.Шамуратова “Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари”, Р.А.Ибрагимова “Ўзбекистон табиий географик районлаштиришда Орол табиий округини ажратишнинг илмий-методологик жиҳатлари”ни асослаб берди.

Айниқса, М.Т.Миракмалов “Топонимика”, Н.Т.Шамуратова “Экотуризм” Ш.Шарипов “Геоэкология ва ландшафтшунослик”, Р.Ибрагимовалар “Ландшафтшунослик” фанларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар ва табиий география илмий мактабининг бутунги вакиллари ҳисобланадилар.

Юқорида номлари келтириб ўтилган Табиий география фанининг ривожланишида ўзининг ҳиссасини қўшган олимларнинг илмий мактаблари ҳозиргача шаклланиб келмоқда. Жумладан, П.Н.Ғуломов илмий мактабининг давомчиларидан М.Т.Миракмалов 2020 йилда “Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва географик лингвистика” мавзуси бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва мамлакатимизда “Табиий географик терминология, топонимика ва географик лингвистика” фанини ривожлантиришга қаратилган илмий мактабини шакллантирди. Шунингдек, бу мактабнинг давомчиларидан А.Авезов томонидан ҳозирда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ш.М.Шарипов ўз тадқиқотларини геоэкология, ландшафтшунослик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўналишларида илмий изланиш олиб

бормокда. Унинг “Тошкент вилояти ландшафтлари ва геоэкологик муаммолари”ни ўрганишга бағишланган тадқиқотларида ландшафтларга антропоген таъсирнинг асосий шакллари ва уларнинг ўзгарганлиги, аҳоли жойлашувини ўрганишда ландшафт ёндашуви, ландшафтларнинг барқарорлик имкониятларини баҳолаш, геоэкологик районлаштириш, геоэкологик вазиятни баҳолаш ва оптималлаштириш масалалари бўйича бир қанча илмий янгилик ва ёндашувларни илгари сурди.

Ш.М.Шарипов илмий мактабида М.Ғўдалов 2019 йилда “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтларга таъсири” мавзусида, Ш.Шомуродова 2020 йилда “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантиришнинг табиий географик асослари” мавзусида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Ушбу илмий мактабнинг давомчилари К.Ҳақимов, Д.Боймуродов, Э.Сафаровлар ҳозирги кунда тадқиқот олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда “Табиий география” кафедрасида 4 нафар фан доктори, 6 нафар фан номзодлари ва 7 нафар илмий изланувчилар география фанининг турли йўналишлари бўйича тадқиқот олиб бормоқдалар.

Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 100 дан ортиқ монография, дарслиklar, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилди. Ҳозирда кафедрада илмий салоҳиятни ошириш ва илмий тадқиқотларни такомиллаштириш борасида бир қанча лойиҳаларда қатнашиб келмоқда. Айниқса, профессор Н.И.Сабитова томонидан ПЗ-2017092110 “Ерларни масофадан туриб зондаш ва геоинформацион технологиялар материаллари асосида Ўзбекистон Республикаси фаол минтақаларининг кўчиш жараёнларини мажмуавий ўрганиш (Чирчиқ дарёси мисолида)”, А-13-05 “Чирчиқ-Оҳангарон дарё ҳавзасининг тўртламчи давр ётқизикларини таянч геологик кесимлари асосида, йирик масштабни геологик кидирув ишларини олиб бориш учун янги ҳудудий табақалаш жадвалини тузиш”, доцент Р.А.Ибрагимова томонидан №9063 – “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қайта тикланувчи энергия манбалари асосида географик районлаштириш”, доцент Ш.М.Шарипов томонидан 1:200000 масштабда бўлган “Тошкент вилоятининг ландшафтлари картаси”, 1:100000 масштабни “Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғининг ландшафтлари картаси”, 1:100000 масштабни “Тошкент вилоятининг ландшафтлари хилма-хиллигини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари картаси” каби лойиҳалар устида ишлаб келинмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, кафедранинг бугунги салоҳияти ва олиб борилаётган илмий тадқиқотлари мамлакатимиз истиқболини янада ривожлантиришда хизмат қилади деса муболаға бўлмайди. Сабаби, ҳар бир мамлакатни ривожлантиришда албатта салоҳияти юқори бўлган мутахассисларни ўрни бекиёсдир. Табиий география кафедрасининг профессор-ўқитувчилари ҳақида қанча гапирсак ҳам оз.